

ТАРИХ ДАРСЛАРИНИНГ МЕТОДИК ВА ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ярашбек Холлиевич Фаффоров

т.ф.н.профессор Чирчик давлат педагогика институти,
“Тарих” кафедраси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги даврда тарих дарсларини ўқитишидаги педагогик ва услубий жиҳатлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ахборот майдони, тарихий жараён, далил, халқпарвар, цивилизация, ашёлар, мезон, нуфуз, инноватор, маҳорат.

ABSTRACT

The article analyzes the pedagogical and methodological aspects of teaching the lesson of history at the present time.

КИРИШ

Бугунги кунда тарих дарсларида ўзлигимизни англаш хусусида гап борар экан, авваламбор тарих ўқитувчисини ўзининг ўз мутахассислигига бўлган эътиқоди кучли бўлиши керак. У *Ватанимиз тарихи ва унинг ўқитиши аҳволи шўролар даврида қандай эдию, миллий мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейин унда қандай ўзгаришилар содир бўлди*, деган аниқ саволга аниқ мантиқий жавоби бўлмоғи керак.

Ўқувчиларнинг билимларини юқори даражада бўлишида мактабда педагоглар жамоаси томонидан ўзининг касбига фидоийлиги боис юқори обрўга эга бўлган тарих ўқитувчининг шахси ҳам катта рол ўйнайди. Шунинг учун тарих ўқитувчи ўз устида тинмай ижодий иш олиб бормоғи лозим.

Тарих ўқитувчи маълум зарурӣ билимлар билан қуролланган бўлиши билан бир қаторда шу билимларни ўқувчилар онгига сингдириб, уларни олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишига эриштиromoқ методикасидан ҳам моҳирона фодалана олмоғи керак. Акс ҳолда “таълим – ўқувчиларга!” тамойилининг амалга ошмасдан, таълимнинг ҳаракатсиз консервация ҳолида қолиб кетиши мумкин.



Таниқли тарихчи-методист олим А.И.Стражев тарих ўқитувчилари учун эгаллаши зарур бўлган билим ва методик маҳорат хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади:

биринчидан, тарихни илмий-методологик жиҳатдан батафсил ўзлаштириб олмоғи керак;

иккинчидан, турли соҳалар бўйича аниқ тарихий билимлар билан қуролланган бўлмоғи керак;

учинчидан, кенг миқёсдаги умуммаънавий, умумбашарий дунёқарашга эга бўлмоғи керак;

тўртингчидан, педагогик ва психологияк билимларни ўз ичига олган, мустақил педагогик фан ва санъат сифатида шаклланган фан – тарих ўқитиши методикаси билан ҳар томонлама қуролланган, замонавий тарих ўқитувчисига хос сифатлар мажмuinинг соҳиби бўлмоғи керак”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарих дарсларининг методик ва педагогик имкониятлари ва уларнинг асосий жиҳатлари тақиқотчилар, олимларимиз ва педагогларимиз томонидан турли ҳил илмий методик нашрларда таҳлил қилинган. Жумладан Ю.К.Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиши методлари. 1990., Смесова Е.А. Методика преподавания истории в школе. 2019., Т.Тошпўлатов, Я.Гаффоров. Тарих ўқитиши методикаси, 2010., Я.Гаффоров. Тарих ўқитиши методикаси, 2021., Ў.Қ. Толипов., М.У.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. 2006., Ю.Зиямухаммедов. Педагогик маҳорат асослари. 2009 ва бошқаларнинг бир қатор асарлари ва илмий мақолаларида ўз аксини топган.

МУҲОКАМА

Ҳозирги замон тарих дарслари ҳар бир ўқитувчининг дарслик материалини муфассал таҳлил этиб бориши билан барча ахборотларни синчиклаб ўрганиб, уларга интеграцион ёндашув асосида дарс жараёнida зарур ахборотларни тўғри таҳлил этиб, талabalар онгига етказмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "ЗиёНет" жамоат таълим ахборот тармоғидан мамлакатда мактаблар, академик лицейлар, касб мактаблари, олий ўкув юртлари, турли ёшлиар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий

муассасаларни халкарот ахборот тармоғига, шу жумладан интернет тармоғига улаш амалга оширилмокда.

Электрон мухит - фан, маданият, санъат ва бошка соҳалардаги маълумотлар билан танишиш учун зарур бўлган ахборот майдони бўлиб, бунда шахсий домен номларни рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллабкуватлаш имкони яратилади. Масалан, миллий телекоммуникация тизимида ўкув-таълимий, илмий, ёшлар хамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бирлаштирувчи ягона ахборот-ресурс майдончага эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғи - бу "ЗиёНет"дир.

Яна шуни алоҳида кайд этиш лозимки, умумтаълим мактаблари ўкув режаларида катор маҳсус курсларни ўргатиш учун анча дарс соатлари ажратилган. Педагог-ўқитувчилар имконият борича ана шу маҳсус курсларни ўрганишда Президент асарлари, оммавий ахборот воситаларида гаги материаллардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиши лозим.

Хозирги замон тарих дарсларига бўлган талаблар хусусида гап борар экан, албатта уларни ноанъанавий ва муаммоли таълим технологиялари асосида ташкил қилиш, дарсларни атрофлича таҳлил этиш, уларни тарих музейларида, табиат қўйнида ва таникли олиму-фузалолар билан ташкил этиладиган ва самарали усуллар билан олиб бориш талаб этилади. Хар бир фанни ўқитишида интеграцион ёндашувлардан фойдаланиш хусусида кўплаб тавсиялар берилсада, уларни дарс жараёнида ўрганилаётган мавзунинг мантикий алокадорлиги асосида тўғри ташкил этиб, тажрибада самарали натижалар берадиган даражада, ўрганилаётган мавзуга умумий ёндашган ҳолда олиб борилса-да, мавзунинг барча кирраларини илмий-методик жиҳатдан тўла очиб беришга эришиб бўлмаслик холатлари учрайди. Холбуки, хар бир фандан кайси дарснинг кандай туридан фойдаланилаётганликдан катъий назар, шу дарсмашғулот давомида имкон борича мавзудаги мантикий алокадорликни хисобга олган ҳолда, айникса тарих дарсларида жараёнларнинг сабаб ва окибатларидан албатта ўкувчига аник ва равshan илмий тушунчаларни шакллантириб бориш лозим.

Талаба ва ўкувчиларнинг миллий ўзликни англаш туйғусига эга бўлишлари жамият ривожини таъминлабгина колмай, айни вактда уларнинг хар томонлама етук, комил шахс бўлиб улГайишларига ёрдам беради. Хозирги замон тарих дарслари

талаба-ўкувчиларга тарихий билимларни етказиб берувчи воситагина эмас, балки уларнинг маънавий-ахлокий ва аклий жиҳатдан шаклланиб боришиларини таъминловчи, кучли таъсирга эга бўлган омил хамдир. Бинобарин, тарих фанлари кишилик тараққиёти тарихини ёритиш билан бирга талаба-ўкувчиларга тарихий жараёнларнинг мохиятини тўларок англаш, уларнинг ички конуниятларини аниклаш, маълум хулосаларга келиш хамда чикарилган хулосалар асосида ўз-ўзини тарбиялашга хам имкон беради. Хозирги замон тарих дарсларининг тарбиявий имкониятларидан тўғри фойдалана олиш бугунги кун талаби бўлган - мустакил, ўз шахсий фикрига эга, эркин шахсни тарбиялаб, вояга етказишдек мақсаднинг рӯёбга чикишига ёрдам беради.

Тарих дарсларини ўқитишига бўлган янгича ёндашувни карор топтириш уларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Маълумки, тарихни билиш жараёни тарихий далилларни ўзлаштиришдан бошланади. Тарихий далилларнинг ўзига хос хусусияти айнан такрорланмаслиқдан иборат. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, ўкувчилар томонидан алоҳида тарихий далилларни билиб олиш - тарихни ўзлаштириш деган тушунчани ифода этмайди. Бунда тарих дарсларини ўқитишида янги инноватсион ёндашувларни малакатда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда жорий этиб бориш, фанлараро, курслараро, бўлим ва мавзулараро узвийликни тўғри ташкил қилиш долзарб вазифалардан хисобланади.

Шундай қилиб, тарихни ўрганиш жараёнида ўкув-билув материаллари шунчаки ўрганилмасдан, балки улар орасидаги зарур алокаларни таккослаш, аниклаш ва маълум даражада тизимлаштириб ўзлаштиришни таъминлаш керак. Хозирги замон тарих дарсларида талаба-ўкувчиларда миллий ўзликни англаш туйгуларини шакллантиришда талаба-ўкувчиларни ўкув жараёнларида фаол бўлишга, мустакил изланишга ундовчи фаолият жараёни даражасига кўтара олиши билан белгиланади.

Таълим муассасаларида миллий тарбияни самарали ташкил этиш, ўкувчиларда миллий ўзликни англаш туйгуларини шакллантиришда таъсирчан бир катор объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Ана шундай омиллардан бири хозирги замон тарих дарслари ва уларнинг педагогик имкониятларидир. Хозирги замон тарих дарсларининг талаба-ўкувчиларда миллий ўзликни англаш туйгуларини шакллантиришдаги имкониятлари қуидагиларда намоён бўлади:

-талаба-ўкувчиларга миллатнинг шаклланиш тарихи, тарихий жараёнларда миллат ҳёти, тақдири учун ахамиятли бўлган кадриятлар тўғрисидаги билимларни бериш;

-улар ўртасида миллий турмуш тарзи тўғрисидаги билимларни тарғиб этиш асосида талаба-ўкувчиларда миллий урф-одатлар, анъаналар хамда миллий кадриятларга нисбатан чуқур хурматни карор топтириш;

-талаба-ўкувчиларда миллий худуд яхлитлиги бебаҳо кадрият эканлиги тўғрисидаги билимларни шакллантириш асосида Ватаннинг бир бўлаги сифатида хамда юрт тақдири учун масъул эканликларини хис этишларига эришиш, Ватанга нисбатан садокат туйғуларини тарбиялаш;

-талаба-ўкувчиларга аждодлар намунаси хакидаги маълумотларни етказиш асосида уларда Ватанга, халкка нисбатан муносабат кўникмалари, ватанпарварлик ва халкпарварлик туйғуларини шакллантириш;

-миллатнинг жаҳон илмфани ва сивилизациясига кўшган хиссаси тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида талаба-ўкувчиларда миллий Фуур ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш.

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари “Таълим тўғрисида”ги Конун ва кадрлар тайёрлаш соҳасида акс этганидек ислохотларнинг бош харакатлантирувчи кучи янги педагогик технологияни амалиётга татбик этиш зарурлиги таъкидланди. Айнисле, аълим-тарбия соҳасида кенг кўламли ислохотларни янада кенгрок давом эттириш лозим.

Юртимиз аждодлари азалдан ёш авлод таълим-тарбиясини ўзларининг энг муҳим вазифалари сифатида кўрганлар. Ёшларни халкнинг миллий анъаналари, ўзлигига садокатли, жамиятни хар томонлама мукаммал фуқароси даражасида тарбиялаш учун маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ кадриятлари, миллати билан фаҳрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш керак.

Тарих дарсларига бўлган талаблар ўкув жараёнида талаба ва ўкувчиларни миллий онгини такомиллаштиришда муҳим ва долзарблигидан келиб чиқиб, замонавий тарих дарсларига бўлган талаблар куйидагича белгиланди:

биринчидан, мамлакатнинг асосий бойлиги юксак малакали ва маънавиятли инсондир ва бу айнисле ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик илиши зарур. Буни амалга оширишда янги демократик

таълим концепциясини ишлаб чикиш ва татбиқ этиш лозим бўлади. Буни ишлаб чикишда инсонларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши тарих таълимини давр талаби даражасига кўтариш йўлидаги муҳим вазифалари биридир;

иккинчидан, тарих таълими давомида талаба-ўкувчи ёшларни тарихий билим ва кўнимкалар билан куроллантириб, уларни ўтмишда ва бугунги қунимизда содир бўлаётган ижтимоий ходисаларни тўғри баҳолаш ва хуносалар чиқариш, хар бир инсоннинг, айникса ёшларнинг онгига келажак сари кўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлик эканлигини, яъни бу уларнинг событқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлиги ва меҳнатсеварлигига боғлик эканлигини сингдириш керак;

учинчидан, жамият мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор хар кандай ишнинг пойдевори бўлмоғи керак. Аждодлардан мерос колган Ватан саждагоҳ каби азиз, бундай мукаддас ғояни ёшлар онгига аник тарихий воқеийликлар асосида сингдириб бориши хар бир тарих дарси ва уни ўқитадиган ўқитувчининг мукаддас ва бир вактда шарафли бурчидир;

тўртинчидан, тарих ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида илмий билимларни тез суратларда ўсиб бораётганлигини албатта хисобга олмоғи керак. Илмий-техника инкилоби даврида талаба-ўкувчи ёшлар хам ўз билимларини мустакил холда узлуксиз такомиллаштириб бориши, илмий ва сиёсий ахборотлар оқимидан тўғри хуроса чиқариши лозим.

Хозирги замон тарих дарсларини ташкил этишда анъанавий таълим, хамкорлик таълими, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим, ижодий-изланиш, конференция, семинар, давра сухбати, матбуот-конференцияци, такдимот каби шакллар; маъруза, сухбат, савол-жавоб, тест, кўргазмали намойиш, китоб билан ишлаш, интерфаол методлар каби таълим методлари; тарихий ашё, манба ва далиллар, ўкув материали, оғзаки нутқ, матнлар, шунингдек, техник воситалар каби таълим воситаларидан фойдаланиш ижобий натижаларни таъминлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хозирги замон тарих дарсларини ўқитиши жараёнига қўйиладиган талаблар хамда унинг самарадорлигини оширишда, асосий ўринни таълимга

интерфаол усулларни, инноватсион педагогик технологияларини киритиш ва улардан мохирона фойдаланиш мухим ўринда туради. Зеро, анъанавий таълимда талаба-ўкувчилар факат тайёр билимларни эгаллашга йўналтирилса, ривожлантирувчи таълим мезонларига мувофик билимларни талаба ўкувчиларнинг ўзлари мустакил кидириб топиши, ўрганиши, таҳлил кила олиши, хуносаларни хам ўзлари келтириб чиқаришга йўналтирилиши билан мухим ахамият касб этади. Шу боис, тарих фани ўқитувчисидан бугунги кунда биринчи навбатда унинг макомини ошириш, нуфузини белгилайдиган хислатлар маънавияти, савияси, билим доираси, дунёкарашининг кенглиги, мутахассислик фанларини пухта билиш хамда ўз устида ишлаши билан белгиланади. Шу билан бирга тарих фани ўқитувчиси обрўсини белгиловчи мезонлар сифатида ўқитувчининг билимдон, халол, инноватор, меҳрибон шириңсўз, коммуникатив бўлиши шу билан бирга инноватцион технологияларни мукаммал ўзлаштириш, улардан дарс жараёнида самарали фойдаланишни такозо қиласи. Ўқитувчилар бундай фаолиятга алоҳида тайёргарлик кўришлари лозим, бу ўз навбатида, таълим муассасаси раҳбарлари ва ўкув-услубий бирлашмалари ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлган таълимни ривожлантиришнинг истикбол режаларини тузишда асосий эътиборни ўқитувчиларнинг у ёки бу асосда ижодий фаолият юритишлари учун замин яратиш хамда тушунтириш ишларини олиб боришга каратишларини талаб этади. Бу тарих фани ўқитувчиларининг касбий қизиқишилари қўламини кенгайтишига, методик адабиётларни ўкиб ўрганишдан то назарий педагогик салоҳиятларини оширишда катта имкониятлар яратади. Ёки президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek “Мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам келгуси жараёнларга ҳам холис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг мухим шартидир”.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. -Б.147.
2. Стражев А.И. Методика преподавания истории. Пособие для учителей.-Москва: 1964. -С.278.

3. Смесова Е.А. Методика преподавания истории в школе. Т. 2019. “ФАЙЛАСУВЛАР”, 63-стр.
4. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М.У. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.Фан. 2006, 9-бет.
5. Гаффоров Я.Х. Тарих ўқитиши усуллари тизимини ривожлантириш ва тарих таълими самарадорлигини ошириш усуллари. 2020 йил, апрел. (Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching) EPRA International Journal of Multidisciplinary Research India 2020.
6. Гаффоров Я.Х., Ж.Н.Абдурахмонова, С.А.Тоштемирова. Мутахассислик фанларни касбга йўналтириш методикаси. Т. “MALIK PRINT”, 2021, 39-бет.
7. Гаффоров Я.Х., Тарих ўқитиши методикаси. Т., “Ишончли ҳамкор”, 2021, 74-бет
8. G'afforov Ya.X. NEW TECHNOLOGY-NEW APPROACHES. International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. 2021. 621-624 pp.
9. G'afforov Ya.X. Formation and Development of Methods of teaching history as a scientific and pedagogical science. PSYCHOLOGY AND EDUCATION. (2021) 14-17pp